100 китоб тўплами

КУРКАЧИЛИК

83-китоб

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

“Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий экиш муддатида етиштириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажакда тажрибали деҳқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – деҳқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдали бўлади.

Ҳосилингиз мўл-кўл, даромадингиз баракали бўлсин!

Рустам МАМАТҚУЛОВ,
“Агробанк” АТБ бошқарув раиси.

УЎК 636.592
КБК 46.8
К 94

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: “Агробанк” АТБ

Тузувчилар:
А.Х. Холматов – Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти “Иммуногенетика” лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

Тақризчилар:
С.И. Мавланов – Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, инновацион фаолият, фан ва таълим соҳасини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ветеринария врачи, в.ф.д.
Қ.Ж. Шокиров – Тошкент давлат аграр университети, Умумий зоотехника кафедраси доценти, қ.х.ф.д.
А.А. Нурматов – Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.н

Лойиҳа иштирокчилари: У.Ф. Файзуллаев, М.С. Ҳайитбоев

Муҳаррир: Т. Долиев – “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали бош муҳаррири.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ туҳфасидир

© “Агробанк” АТБ – 2021
© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021
© “Colorpack” МЧЖ – 2021

ISBN 978-9943-7173-9-8

МУНДАРИЖА

Кириш 7

Курка зотлари 8

Куркаларни боқиш 15

Ёш куркаларнинг ўсиши ва ривожланиши 19

Ёш куркаларни озиқлантириш 22

Курка касалликлари 39

Куркаларни эмлаш бўйича тавсиялар 40

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 41

КИРИШ

2018 йил 13 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4015-сон қарорида республикада паррандачиликни янада ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳага илғор технологиялар ва инновацион ишланмаларни жорий этиш, парранда маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, уларнинг турлари ва экспорт кўламини кенгайтириш мақсад қилиб олинган. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда республикамизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ривожланган давлатларда гўшт йўналишидаги паррандачиликда куркачилик тармоғи юқори ўринда туради. Курка гўштининг истеъмолбоп, мазали ва парҳез таом сифатида энг кўп ишлаб чиқадиган давлатлар АҚШ, Италия, Франция ва Англия ҳисобланади. Бу давлатларда ишлаб чиқарилган парранда гўшти ичида курка гўшти 15-25% ни ташкил этади.

Шахсий томорқада курка боқиш жуда фойдали ҳисобланади. Масалан, баҳорда 30 та курка жўжасини олиб боқсангиз, кузга келиб юқори сифатли бошқа уй парранда гўштидан мазалироқ бўлган 150-180 кг гача парҳез гўшт олишингиз мумкин. Курка гўштини таркибида В дармондориси анча кўп, холестерин жуда кам миқдорда бўлиб, сифати қирғовул ва бошқа шунга ўхшаш ёввойи қушлар гўштидан қолишмайди. Қовурилган ва димланган курка гўшти жуда ажойиб, такрорланмас ва ўзига хос ҳидга эга бўлади.

КУРКА ЗОТЛАРИ

Уй паррандалари ичида куркалар гавдаси энг йириги ҳисобланади. Вояга етган курка хўрозларининг тирик вазни 9-16 кг (бройлерлари 30-35 кг), макиёнлариники 4,5-11 кг бўлади. Бир тухум бериш циклида курка макиёнларидан 50-90 дона тухум, 35-60 та курка жўжалари олиш мумкин. Курка макиёнлари жуда яхши курк бўлади ва очиб чиққан жўжаларини меҳр билан боқади.

“Маҳаллий ўзбек” курка зоти. Ўрта Осиё иқлимига мослашган бу зот кўп йиллар давомида яратилган. Патларининг ранги бўйича бир неча турлари бор: бронза ранги, оч сариқ ранг ва бошқалар. Тирик вазни унча юқори эмас: эркак курка 6-7 кг, урғочиси 3,5-4 кг бўлади. Йилига 45-50 дона тухум беради. Охирги йилларда юқори маҳсулдор курка зотлари маҳаллий курка зоти билан чатиштирилиб, маҳсулдорлиги оширилди: эркак куркалар 10 кг, урғочилари 6 кг ни ташкил этади. Йилига 70 донагача тухум беради.

“Бронзаранг шимолий кавказ” курка зоти

1946 йилда Ставрополь ўлкасида маҳаллий бронза ранг курка зотини кенг кўкракли бронза ранг куркаси билан чатиштириш орқали яратилган. Алоҳида зот сифатида 1956 йили тасдиқланган. Патлари бронза ранг, серҳаракат, ноқулай табиат шароитларига чидамли, эркак куркаларнинг тирик вазни 12-14 кг, урғочи куркаларники 6,5-8 кг ни ташкил этади, йилига ўртача 75-80 дона (айрим паррандалар 130 донагача) тухум беради, бир дона тухумининг оғирлиги 80-85 г атрофида бўлади.

“Шимолий кавказ” курка зоти

Шимолий Кавказ хўжаликларида маҳаллий куркаларни кенг кўкракли бронза ранг куркалар билан чатиштириш орқали яратилган. Улар маҳаллий шароитга, айниқса, яйловда боқишга мослашган. “Шимолий кавказ” курка зоти йилига 75-90 дона тухум беради, айрим турлари бундан ҳам кўп тухум беради.

“Оқ Шимолий Кавказ” курка зоти

1964 йили Ставрополь ўлкасида маҳаллий бронза ранг курка зотини кенг кўкракли оқ ранг куркаси билан чатиштириш орқали яратилган. Патлари оқ ранг, эркак куркаларнинг тирик вазни 12-14 кг, урғочи куркаларники 6,5-7 кг ни ташкил этади, йилига ўртача 75-90 дона тухум беради, бир дона тухумининг оғирлиги 80-85 г атрофида бўлади.

“Қора Тихорец” курка зоти

Краснодар ўлкаси Тихорец туманида маҳаллий қора зотли куркаларнинг наслини яхшилаш орқали яратилган, қора бронза ранги жилваланади. Эркак куркаларнинг тирик вазни 9,5-10 кг, урғочиси 4,5-5 кг ни ташкил этади. Гўштга боқилган куркаларнинг тирик вазни 17 ҳафталикда 3,2-4,4 кг ни ташкил этади, йилига ўртача 80-100 дона тухум беради, бир дона тухумининг оғирлиги 80-85 г ни ташкил этади.

“Оқ Москва” курка зоти

Москва вилоятидаги “Березки” хўжалигида яратилган. Тирик вазни “Москва бронза ранги” зотидан енгил, лекин тухумни кўп беради – йилига 100 дона. Табиат ноқулайликларига чидамлилиги ва тез етилиши билан ажралиб туради.

“Бронзаранг Москва” курка зоти

Тирик вазнининг оғирлиги билан ажралиб туради: 1 йиллик эркак курка 14 кг, урғочиси 9 кг га етади. Йилига 80 дона тухум беради. Патларининг ранги бронза-мис ранги

шуъласини бергани учун бронза рангли номини олган, “Москва” номи Москва вилоятининг “Березки” хўжалигида яратилганлиги учун берилган.

“Кембриж” ёки “Голланд” курка зоти

Патлари ранги кўкимтир-қора рангда жилваланади, жўжалари тўқ жигарранг кул ранг доғлари билан ажралиб туради. Бронза (мис ранг), қизил тўқ жигарранг, кул ранг ва оқ ранг турлари мавжуд, айрим ҳолларда дум патларининг учи қора рангда бўлади.

“Бронзаранг кенг кўкракли” ёки “Бронзаранг Америка” курка зоти

Келиб чиқиши Америка қитъасидан бўлиб, эркак куркаларнинг тирик вазни 16-19 кг, урғочилари 11 кг гача бўлади. Бундай куркалар бронза рангли бўлиб, сиёҳ ва қизғиш рангларда жилваланади. Улар асосан курка наслини янгилаш ва насл маҳсулдорлигини ошириш учун боқилади.

“Оқ кенг кўкракли” курка зоти

1960 йили АҚШда “Оқ Голланд” зоти билан “Бронзаранг кенг кўкракли” зотларни чатиштириш орқали олинган. Оқ рангли, кўкрагида қора бир чимдим ипсимон патлари мавжуд, йилига 90-120 дона тухум беради. Эркак куркаларнинг тирик вазни 14-17 кг, урғочи куркаларнинг тирик вазни 8-10 кг ни ташкил этади.

“Қора Норфолк” ёки “Қора Испан” курка зоти

Курагида ва дум қисмида тўқ жигарранг яшил ранг шуъласини жиловлантиради. Куркаларнинг бош қисмида оқ доғлари бўлади, оёқлари қора рангда, ўрта бўйли, тирик вазни 15-18 кг ни ташкил этади. Улар XVI аср бошларида Испаниядан Шарқий Англиянинг Норфолк графлигига келтирилган куркалардан яратилган.

КУРКАЛАРНИ БОҚИШ

Куркаларнинг кучли оёқлари ва кенг дум патлари бўлиб, бошида ва бўйнида ўзига хос тери ўсимталари (кораллар) мавжуд, тумшуғининг устки қисмида гўштли ортиқчаси осилиб туради ва парранда эҳтиросга (ҳаяжон) келган вақтида у 12-15 см га етади. Куркалар учиш қобилиятини йўқотмаганлиги учун уларнинг қаноти қирқилади, бундан ташқари, паррандахона деворлари баланд қилиб қурилади ёки ёпиқ биноларда боқилади. Куркалар инжиқ бўлгани учун уларнинг 30-35 бош урғочиларига 3-4 бош эркаклари нисбатда (1 эркак куркага 8-12 бош урғочи ҳисобидан) ҳар бир бўлимга қўйилади.

Куркаларнинг яхши ривожланиши учун хонанинг нисбий намлиги 60-70 фоиз бўлиши керак. Агар нисбий намлик паст бўлса, курканинг нафас олиш йўллари қуриб безовталанади, кўп сув ва кам озуқа истеъмол қилади. Агар нисбий намлик 75 фоиздан ошиб кетса, нафас органлари орқали сувнинг буғланиши ва иссиқлик энергиясининг чиқарилиши қисқаради.

Курка жўжаларининг тухумдан очиб чиқиши эркак куркалар уруғларининг сифатига боғлиқ бўлади. Эркак куркаларнинг уруғлантириш қувватига бир неча омил таъсир этиши мумкин. Қишда совуққа чидамсиз, қоронғи хоналар ҳам салбий таъсир этади. Уларнинг рационида ҳайвонларга оид озуқалар, айниқса, моцион (юриш, ҳаракат қилиш) етарли миқдорда бўлиши керак (ш.ж. урғочи куркаларга ҳам). Урғочи куркалар -15 °С гача совуққа чидамли бўлади, 5-10 °С ҳароратда тухум яхши қўяди. 1 бош куркага 1-1,5 $м^2$ майдон ажратилади. Куркаларни чиқиб ўтириши учун қўноқлар 7х7 см дан 9х9 см гача бўлган ўлчамдаги бруслардан, ердан баландлиги 60-80 см қилиб ҳар бир бош куркага узунлиги 50 см қилиб ўрнатилади. Кул ва қумдан иборат ванналар, албатта, ташкил этилиши керак. Одатда, она куркалар бир мавсумда 60-80 донагача тухум қўяди. Куркалар 12 ойлигидан тухум қўйишни бошлайди.

Она курка бошида 4-6 дона тухум қўяди, кейин 1-3 кун дам олади, сўнг яна тухум қилишни бошлайди. Эркак куркалар жуфтлашиш вақтида урғочи куркаларни яраламаслиги учун оёғидаги тирноғини 1 йилда 2 марта кесиб, эгов билан текислаб туриш керак бўлади. Она куркаларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун хонада қўшимча ёруғлик ташкиллаштирилади.

Она куркалар 20 дона атрофида тухум қўйгандан кейин курк бўлади. Курк бўлган куркалар март ойидан июнь ойигача тухумга ётқизилади. Курк бўлган куркалар тагига йилнинг иссиқ даврларида 17-19 донагача, салқин даврларида 15-17 донагача тухумини қўйиш мумкин. Курка жўжалари тухумдан 27-28 кунда очиб чиқади. Қоронғи хонанинг бир чеккасига уя қўйилади, ичига 10 см қалинликда қуруқ тупроқ солиниб, устидан тўшама қўйилади. Уя ёнига озуқа, сув ва минерал қўшимчалар қўйилади. Кул билан қум аралашмаси, албатта, уя ёнида бўлиши керак. Уя ёнида ҳарорат 10 °С дан юқори бўлиши лозим.

Насл олиш мавсумида рацион миқдори кўпайтирилади. Озуқадаги Е дармондори миқдори кўпайтирилади, рацион таркибидаги келиб чиқиши ҳайвонларга оид протеин моддаси 20 фоизгача кўтарилади. Намланган ем аралашмаси тайёрланганда сут обрати ёки гўшт бульони ишлатилади. Намланган ем аралашмасини куркалар иштаҳа билан чўқиб ейишмайди, шунинг учун емга қичитқиўт, беда каби ўтлар майдалаб қўшилади, кўк ўт беришнинг иложи бўлмаса, ширали озуқалар берилади (лавлаги, сабзи ва бошқалар).

Урғочи куркаларга кундузи ва кечқурун витаминли намланган озуқа, кечасига қуруқ озуқа ёки ўстирилган дон берилади. Озуқага яна майдалаб кесилган илдизмевалилар ва сабзавотлар 1 бошга 200 грамм миқдорида, қуруқ ўт – 70 граммгача, сут – 100 граммгача, ойига 30 донагача тухум берадиган урғочи куркаларга эса бир кунда 130 грамм дон ва 50 грамм унли озуқалар берилади. Курк бўлган куркаларга ҳар куни 1-3 марта моцион (юриш) ташкиллаштириш керак бўлади. Агар курк бўлган парранда вақти-вақти билан емаса, ичмаса, унда уясидан олиниб емдоннинг олдига қўйиб қўйилади ҳамда ўзи мустақил равишда емни чўқиб емагунча

ва сувни ичмагунча бир неча марта бу ҳаракат қайтарилади. Курк бўлган курка озуқани чўқиб егунича 7-8 ва 26-кунлари тухумларнинг ичидаги эмбрион ривожланиши овоскопда кўрилади. Курка жўжалари 27-28-кунлари тухумдан очиб чиқади. Тухумдан очиб чиққан курка жўжаларини алоҳида қутига солиб қўйилади. Барча тухумлардан курка жўжалари очиб чиққандан кейин ҳаммаси битта қилиб она курка тагига қўйилади. Битта она курка тагига 40 тагача курка жўжаларини қўйиш мумкин, чунки она курка уларни бемалол боқиб парвариш қила олади.

Саноатлашган куркачилик

Курк бўлган куркалар

Куркалар қиш мавсумида одатда 3 маҳал озиқлантирилади. Эрталаб бир кунлик дон рационининг учдан бир қисми берилади, кундузи намланган ем аралашмаси ва кечқурун бир кунлик дон рационини учдан икки қисми берилади. Куркалар учун дон озуқаларидан энг яхшиси маккажўхори, арпа ва буғдой донлари ҳисобланади. Қиш мавсумида рационга яна димланган ўт уни ва ширали озуқалардан лавлаги, сабзилар берилади.

Об-ҳаво яхши бўлган кунларда, айниқса, қуёшли кунларда, куркалар қордан тозаланган майдонга айланишга чиқарилади. Куркаларга моцион бўлмаган вақтлари рационга балиқ ёғи қўшилади.

Урчиш мавсумида куркаларга бир кунда 4 маҳал озуқа берилади: 1-марта бир кунлик рационнинг учдан бир қисми миқдорида донли озуқа берилади, 2 ва 3-мартада кўкатлар қўшилган ва намланган ем аралашмаси берилади, 4-марта бир кунлик дон аралашмаси рационидан учдан икки қисми миқдорида берилади.

Куркачиликда яйловлар (ўтлов майдонлари)нинг мавжудлиги катта аҳамиятга эга. Эрта баҳордан кеч кузгача куркаларни боқишда ўтга бой бўлган яйловлардан фойдаланиш лозим бўлади. Ана шу яйловларда куркалар ўз организмларига зарур бўлган витаминга бой турли-туман кўк ўтларни ва ҳашаротларга оид протеинга бой озуқаларни – чигирткалар, қуртлар, қўнғизлар, чувалчанглар ва бошқа қурт-қумурсқаларни топиб чўқиб ейди.

ЁШ КУРКАЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Бошқа уй паррандалари сингари куркалар учун хона қуруқ, ёруғ, тоза ва иссиқ бўлиши керак.

Ёши 5 кунлик бўлган курка жўжаларига кечасига хона ҳароратини 1-2 °С га кўтариш тавсия этилади. Курка жўжалари 20 кунликдан бошлаб қўноқларга чиқиб ётишга ўргатилади. Қўноқлар ердан 10 см баландликда ўрнатилади. Ҳар бир курка жўжасига 8 см дан жой олинади. Курка жўжалари 15 кунлик бўлгунига қадар торф, тахта қипиғи ёки қум тўшамаларда боқилади. Яна сомон ҳам ишлатиш мумкин. Торф ва тахта қипиғи 2 ҳафтада 1 марта, сомонли тўшама ҳафтада 1 марта алмаштириб турилади. Курка жўжаларининг бир жойда тўпланиб туришига зинҳор йўл қўйиб бўлмайди.

Курка жўжаларини сақлаш учун тахминий хона ҳарорати:

Т/р	Куркалар ёши (кун)	Хона ҳарорати (t°C)
1	1-5	31-30
2	6-10	29-27
3	11-20	26-24
4	21-30	23-21
5	31-40	20-18

Ёш куркаларнинг ўсишига ва ривожланишига ёруғ куннинг узунлиги ва ёруғлик кучи ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Гўшт учун боқиладиган куркаларга қуйидаги ёруғлик режими тавсия этилади:

Куркалар ёши (ҳафта)	Ёруғлик вақтининг узунлиги (соат)	Ёруғлик (люкс)
1	24	50
2-3	17	30
3-7	14	15
8 ва ундан ортиқ	8	1-2

Ёш куркалар ойнаси йўқ хонада боқилганда бинафшаранг нурланувчи чироқ ёқиб туриш, улар организмида модда алмашинуви бузилишининг олдини олади. Ёш куркалар 10-15 кундан бошлаб ҳавонинг иссиқ кунлари емдон, сувдонлар билан таъминланган ва атрофи тўсилган тепаси ёпиқ майдончага чиқариб турилади. Бошида 10-15 дақиқага тоза ҳавога чиқарилади, кейин бу муддат аста-секин кўпайтириб борилади. Ёш куркаларнинг патлари қалинлашиб, суяклари қотгандан кейин уларни далага ўтлаш учун қўйиб юбориш мумкин бўлади. Далада ёш куркалар ҳар хил қурт-қумурсқаларни, капалак ва шиллиққуртларни ейди. Уларни эрталаб қиров пайтида ёки ёмғирдан кейин дарров далага чиқариш мумкин эмас. Тоза ҳаво ва қуёш нури ёш куркалар организмини чиниқтиради, иштаҳасини очади ва соғлом ўсишига омил бўлади. Ёш куркалар 30-45 кунлигидан кечалари тўпланиб ётмаслиги учун қўноқларга чиқишга ўргатилади. Қўноқлар ердан 45-50 см баландликда, ҳар бир бошга 30-35 см ҳисобидан ўрнатилади. Кесими 3,5х7 см бўлган тахта планкаларнинг ораси 28-30 см, икки чети юмалоқланган бўлиши керак. Деворнинг ёнидаги охирги қўноқ куркалар думлари билан деворга суянмаслиги учун девордан 35-40 см масофада бўлади.

ЁШ КУРКАЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ

Куркаларни зоти, кросси, ёши ва жинсига қараб уларнинг яхши ривожланиши учун тўйимли ва биологик актив моддаларга бой, мувозанатлаштирилган озуқа билан боқиш тавсия этилади. Инкубация пайтида 60-65 фоиз тухумнинг сариғи курка жўжаси томонидан ишлатилади, шунинг учун тухумдан очиб чиққан курка жўжаси дастлаб 48 соат мобайнида тухумнинг сариғи ҳисобига яшайди. Лекин озуқа истеъмол қилишни бошлаган курка жўжасида тухумнинг сариғи тез сўрилиб кетади. Тухумдан чиққан, ҳали озуқа емаган курка жўжасининг тирик вазни кун сайин енгиллашиб бораверади. Бу даврда унга ёрма ёки грануллanган омухта емлар берилади.

Янги очиб чиққан курка жўжаларини 20 соатдан кечиктирмай озиқлантириш зарур бўлади, акс ҳолда, улар заифлашиб қолиши мумкин. Бу эса уларнинг соғлиғи ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Сабзи, беда ва қичитқиўтлар шарбатини тенг миқдорда бир-бирига қўшиб пипетка орқали ичириш яхши самара беради.

Биринчи озиқлантиришга қаттиқ қилиб пиширилган тухум (1 бошга 4-5 грамм), янги тайёрланган творог, тариқ, қуруқ сут қўшилган 3-4 хил донлардан иборат дон ёрмаси (маккажўхори, буғдой, геркулес ва бошқалар) берилади. Ем қуруқ ҳолда ёки нам ҳолатда пишлоқ чиқиндиси, қатиқ, ёғи олинган сутларга аралаштириб берилади. Агар имкон бўлса, ёш куркалар емига тухум, творог, кўкатлар, гўшт-суяк ва балиқ унларини қўшиб боқиш яхши натижа беради.

Бир бош курка жўжасига биринчи озиқлантиришда қуйидагилар берилади:

Т/р	Номи	Миқдори (грамм)
1	Пиширилган ва майдаланган тухум	4-5
2	Янги сузилган қуруқ творог	3-6
3	Тариқ (ёрма)	2-3
4	Қизил сабзи	2-4
5	Кўк пиёз	0,2-0,3

2-4-кунлари тухум ва творогга қуюқ пиширилган маккажўхори ёки тариқ бўтқаси, 5-6-кунлари тухум ва творогга сули, майдаланган арпа ёки маккажўхори (қобиғи олинган) дони қўшилади. Шундан сўнг 10-12-кунлари аста-секинлик билан тухум миқдори камайтирилиб рациондан

чиқарилади, творог, майдаланган донлар ва кўкатлар миқдори ошириб борилади. Қуруқ емни 40-60 фоиз миқдорида творог, пишлоқ чиқиндиси (обрат), қатиқ ёки гўшт бульонлари билан намлантириб берилади. Курка жўжаларига сут-қатиқ маҳсулотлари бериб туриш жуда фойдали ҳисобланади.

Курка жўжаларини ем чўқишга ўргатиш бошқа парранда жўжаларига нисбатан қийинроқ. Биринчи кунлари курка жўжаларининг емни қандай чўқишини кузатиб туриш керак бўлади. Агар айримлари буни уддалай олмаётган бўлса, уларнинг олдига емни яхши чўқийдиган курка жўжалари қўйилади, уларнинг чўқишини кўриб, қолганлари ҳам уларга тақлид қилиб чўқий бошлайди.

15 кунликкача бўлган курка жўжаларига катта эътибор билан қараш керак бўлади. Шу даврда жиғилдонининг тўлалигига, эрталаб жиғилдонининг бўшлигига эътибор қаратиш керак бўлади. Биринчи озиқлантириш эрталаб соат 5 ларда бўлса, охирги кечки озиқлантириш соат 20 ларда бўлади. Ёш куркалар озуқа таркиби ўзгаришига таъсирчан бўлади. Шунинг учун янги озуқага куркалар аста-секинлик билан ўргатилади. Озуқанинг янги таркибига ўргатишни эрталабдан оз-оздан беришни бошлаш ва улар озуқани қандай қабул қилишини кун давомида кузатиш тавсия этилади. Пихлаган ва моғорлаган емни, айниқса, келиб чиқиши ҳайвонларга оид бўлса, паррандага зинҳор бериб бўлмайди.

Куркачиликда энг оғир ва машаққатли иш курка жўжаларини беталофат боқиб ўстириб вояга етказишдир. Вояга етган куркалар бақувват ва ҳаво инжиқликларига чидамли бўлади. Тухумдан чиққан жўжалари нозик, ҳимоясиз ёрдамга муҳтож бўлади. Айниқса, захга ва совуққа

чидамсиз бўлади. Куркалар инига озгинадан ўтиришни бошлашидан тухумларнинг керакли миқдорини йиғиб, энг яхши курк бўлганининг тагига кечқурун қўйилади ва 28 кундан кейин курка жўжаларни очиб чиқади. Биринчи бўлиб майда тухумлардан ва ёш курка макиён жўжалар очиб чиқади. Тухумдан янги чиққан жўжаларнинг усти нам бўлади, шунинг учун уларни қуритиш учун ҳарорати 30-35°С иссиқ хонада ёки инкубаторда қуригунча ушланади, кейин курка макиёнининг олдига қўйиб юборилади. Агар жўжалар инкубаторда очирилса, унда биринчи кундан бошлаб бир ҳафта давомида хона ҳарорати 32–34 °С, шундан кейин ҳар ҳафта 3 °С га камайтириб борилади. Оқ тусли ёш куркалар иссиқни ўзига секин сингдиради, шунинг учун улар турган хонанинг ҳарорати яна 2 °С га оширилади.

Емдаги гранулаларнинг катталиги ва хом протеинга бўлган талаб

Т/р	Куркалар ёши (кун)	Гранула катталиги (мм)	Хом протеин (%)
1	1-60 кун	1,5-3	28
2	61-120 кун	3,-5	22
3	121-150 кун (эркаги)		18

Рацион таркибида хом протеин миқдори кам бўлса, ёш куркаларнинг тирик вазни пасайишига ва 1 кг тирик вазн учун озуқа сарфининг кўпайишига олиб келади. Рацион таркибида хом протеин миқдорининг кўпайиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

1-4 ҳафталик ёш куркалар учун мувозанатлаштирилган озуқа рациони намунаси (фоизда)

Т/р	Рацион таркиби	Миқдори (%)
1	Маккажўхори дони	39
2	Кунгабоқар шроти	17
3	Соя шроти	12
4	Озуқабоп хамиртуруш	5
5	Балиқ уни	10,4
6	Гўшт-суяк уни	7
7	Қуруқ обрат	5
8	Ўт уни	2
9	Бўр, чиғаноқ, озуқабоп оҳак	0,6
10	Озуқабоп ёғ	1
11	Премикс П 5-1	1
100 г омухта емдаги энергия алмашинуви: ккал кДж		290 1220
Хом протеин		28,1
Хом ёғ		4,9
Хом клетчатка		4,9
Кальций		1,7
Фосфор		1,3
Натрий		0,39
Лизин		1,54
Метионин + цистин		0,39

Курка жўжаларига биринчи 3 кунда бериладиган озуқа таркиби (бошланғич озуқа)

Т/р	Озуқа таркиби	Миқдори (%)
1	Маккажўхори дони (майдаланган)	50
2	Буғдой дони (майдаланган)	27
3	Соя шроти	10
4	Қуруқ сут	13

5-10 кунлик курка жўжаларига бериладиган озуқа таркиби

Т/р	Озуқа таркиби	Миқдори (г/бош)
1	Дон ёрмаси	5-8
2	Пиширилган тухум	3-2 дона
3	Творог	2-10
4	Қуруқ сут (обрат)	5-10
5	Кўкатлар, сабзи	3-10

Томорқа хўжалигида кўпинча ем аралашмалари ишлатилади, уларнинг таркибига қуруқ ва ҳўл аралашмалар, майдаланган ёки бутун дон, илдиз мевалилар, кўкатлар, творог, ёғсизлантирилган сут ва бошқа маҳаллий озуқалар киради.

Курка жўжалари биринчи кунлари тахтадан ясалган емдонларда боқилади, уларнинг ўлчами 40х40 см ёки 50х40 см, таги фанердан, деворлар қалинлиги 1,5-2 см, баландлиги 3 см бўлади. 20 кунликдан бошлаб улар узун емдонларга алмаштирилади. Узунлиги 80-100 см, эни 12-14 см, баландлиги 8-10 см бўлган емдонларнинг ички томонидан қалинлиги 1 см, эни 2,5 см бўлган тахта рейкаси қоқилади. Куркалар емни сочиб ташламаслиги учун емдоннинг устига диаметри 2 см бўлган паррак ўрнатилади. Рангли бўёқларга бўялган емдонлар куркаларни ўзига жалб этиб, озуқага қизиқишини оширади.

Куркаларнинг оғир вазнли тури учун омухта ем таркибидаги озуқа моддалар ва энергия алмашинуви меъёрлари, %

Кўрсаткичлар	Вояга етган куркалар	Ёш куркалар (ҳафта)			
		1-4	5-13	14-17	18-30
100 г озуқада энергия алмашинуви: ккал кДж	280 1172	290 1214	300 1255	300 1255	270 1130
Хом протеин	16	28	22	20	14
Хом клетчатка	6	4	5	6	7
Кальций	2,8	1,7	1,7	1,7	1,7
Фосфор (умумий)	0,7	1,0	0,8	0,8	0,7
Фосфор (ўзлаштириладиган)	0,4	0,56	0,45	0,45	0,4
Натрий	0,3	0,4	0,3	0,3	0,3
Линолев кислотаси	1,5	1,5	1,5	1,8	2,0
Аминокислоталар: Лизин Метионин Метионин + цистин Триптофан Аргинин Гистидин Лейцин Изолейцин Фенилаланин Фенилаланин + тирозин Треонин Валин Глицин	 0,70 0,32 0,57 0,15 0,86 0,32 1,20 0,50 0,55 0,88 0,40 0,70 0,74	 1,50 0,60 1,00 0,27 1,60 0,60 1,90 1,03 1,00 1,80 1,00 1,20 1,10	 1,19 0,47 0,79 0,21 1,26 0,47 1,50 0,80 0,79 1,42 0,79 0,94 0,86	 1,07 0,43 0,71 0,19 1,11 0,43 1,36 0,74 0,71 1,28 0,71 0,85 0,79	 0,75 0,30 0,50 0,14 0,80 0,30 0,95 0,51 0,50 0,90 0,50 0,60 0,55

Изоҳ. *Вояга етган куркалар учун кальций меъёри 1,5 фоизни ташкил этади.*

Ёш куркаларни витамин (дармондори) ва минерал моддалар билан таъминлаш учун рационга 1 бош паррандага 10-12 томчи балиқ ёғи ёки умумий озуқа миқдорининг 1 фоизи миқдорида қўшилади, бўр ва майдаланган чиғаноқлар эркин берилади.

Куркаларни витамин (дармондори)ларга бўлган талаби: *1 тонна озуқа таркибидаги А, D_3 витаминлари учун миллион ХБ (халқаро бирлик)да, қолганлари учун граммда берилган.*

Т/р	Витаминлар номи	Куркалар	Наслли куркалар
1	А	15,0	15,0
2	D_3	1,5	1,5
3	Е	20,0	20,0
4	К	2	2
5	B_1	2	2
6	B_2	5	5
7	B_3	20	20
8	B_4	1000	1000
9	B_5	60	60
10	B_6	4	4
11	Вс	1,5	1,5
12	B_{12}	0,025	0,025
13	Н	0,2	0,2
14	С	50	50

Оғир вазнли куркаларни қуруқ озиқлантиришда 1 бош жўжаси учун 1 кунда бериладиган озуқа меъёри

Курка ёши (ҳафта)	Озуқа меъёри (г)	Курка ёши (ҳафта)	Озуқа меъёри (г)
1	10	13	265
2	25	14	280
3	40	15	290
4	60	16	310
5	90	17	325
6	120	18	220
7	150	19	240
8	165	20	260
9	195	21	280
10	220	22	285
11	250	23- 24	290
12	260	25-30	280

Курка жўжаларини озиқлантириш қоидалари:

1. Курка жўжалари ун қилиб майдаланган қуруқ донлар аралашмаси билан эркин озиқлантирилади, улар хоҳлаган вақтида келиб озиқланиши учун емдонда доим омухта ем бўлиши керак.

Курка жўжаларига 40 кунгача простокваша, қатиқ, зардоб ёки айрон билан намланган озуқа аралашмаси берилади. Ёши 40 кун ва ундан юқори бўлган паррандага озуқа аралашмаси сувда намлаб берилади. Курка жўжаларига озуқа аралашмаси бир кунда камида 8 маҳал берилади, 2 ойгача

бир кунда 6 маҳал ва 2 ойликдан катта бўлган куркаларга бир кунда 4 маҳал берилади. Озуқа аралашмасининг ўрнига биринчи кунлари сутли бўтқа пишириб бериш ҳам яхши натижа беради. 3-4-кунлари намланган ёки қуруқ озуқа аралашмаси емдонларга эмас, балки тахтача устига солинади, шунда курка жўжалари озуқани тез топиб олади.

Курка жўжаларини бир кунда озиқлантириш жадвали:

Т/р	Куркалар ёши (кун)	Бир кунда озиқлантириш (маҳал)
1	1-10	8
2	10-20	7
3	20-40	6
4	40-60	5
5	2 ойликдан катта	3-4

2. Нам озуқа аралашмасига яна янги узилган ва майда қилиб кесилган кўкатлар (пиёз, қичитқиўт, беда), балиқ ёғи ва нон хамиртуруши ҳам берилади:

Т/р	Озуқа номи	Миқдори (%)
1	Озуқа донлар аралашмаси	72
2	Кўкатлар	20
3	Балиқ ёғи	2
4	Нон хамиртуруши	6

Курка жўжаларини очиққа кўк ўтга чиқаришни бошлагандан кейин балиқ ёғи бермаса ҳам бўлади.

3. Нам озуқа аралашмасини 20-30 дақиқа ичида еб улгуриши учун улар курка жўжаларига оз-оз миқдорда берилади.

4. Курка жўжаларига 21-30 кунлигидан бошлаб емдонларига майдаланган донлар аралашмаси солинади, аста-секин уларнинг миқдори кўпайтириб борилади ва бир кунлик бериладиган рацион миқдорининг ярмигача олиб чиқилади.

5. Алоҳида емдонларга бўр, чиғаноқ, майда тошлар ва майдалаб эзилган дарахт кўмири солиб қўйилади.

6. Сувдонларда янги қуйилган тоза сув доим бўлиши керак. Курка жўжалари тирик вазнининг ортишига қараб уларнинг ўсиш суръатини аниқласа бўлади.

Курканинг "Бронзаранг" зоти ва тирик вазн кўрсаткичлари:

Т/р	Номи	Ёши (кун)	Тирик вазни
1	Курка жўжаси	1	50-52
2	Курка жўжаси	10	125
3	Курка жўжаси	30	400
4	Курка жўжаси	50	850
5	Курка жўжаси	70	1500
6	Курка жўжаси	90	2500
7	Ёш курка эркаги	110	3900
8	Ёш курка урғочиси	110	3000
9	Ёш курка эркаги	130	4800
10	Ёш курка урғочиси	130	3500
11	Ёш курка эркаги	150	5800
12	Ёш курка урғочиси	150	3800

Жинсий белгилари кўрина бошлаши билан эркаклари урғочиларидан дарҳол ажратилади. Эркак куркаларни урғочиларидан кўкрагидаги чимдим ипсимон патларидан ажратиш мумкин. Бундан ташқари, бронза рангли урғочи куркалар кўкрагининг олд томони ва курак патлари оқ каймали бўлади. Ёш куркаларнинг тирик вазни ҳам жинсий кўрсаткич ҳисобланади. Эркак куркалар урғочиларидан сезиларли даражада гавдасининг йириклиги ва тирик вазни оғир бўлиши билан ажралиб туради.

Яйловда боқиш имкони бор жойларда ёш куркалар бошқа паррандалардан ва вояга етган куркалардан алоҳида ажратиб боқилади. Ёш куркалар яйловга кўникканларидан кейин ва танасининг патлари тўлиқ қоплаганидан кейин бир кунда бир неча маҳал бериладиган озуқа 2 маҳалгача қисқартирилади ва кейинчалик бир маҳалга ўтказилади.

Сизлар нега курка боқмайсизлар? – деган саволга кўпинча “Ёш куркалар жуда нозик бўлади, уларни боқиб ўстириш қийин”, – деб жавоб беришади. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, агар асосий ва оддий қоидаларга риоя қилинса, ёш куркаларни боқишда ҳеч қандай қийинчилик бўлмайди. Ёш куркаларнинг ем аралашмасига 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда янги ўрилган, ёш ва майда қилиб қирқилган кўкатлар – беда, қоқиўт, салат, қичитқиўт барглари берилади. Ёш куркаларга кўк пиёз жуда фойдали, у кўкатларнинг умумий миқдорининг учдан бир ёки тўртдан бир қисми миқдорида берилади. Кўк пиёзда дармондорилардан ташқари микробларни ўлдирувчи фитонцид моддалари ҳам мавжуд.

Ёши 1 ойгача бўлган куркалар емига сут маҳсулотлари (творог, ёғи олинган сут, зардоб) ҳам қўшилади. Ёш куркаларга янги сузилган зардоб бериш жуда фойдалидир (сопол, шиша ёки эмалланган идишда берилади).

Ёш куркалар озгинадан тез-тез янги тайёрланган озуқа билан боқилади. Емдондаги озуқа қолдиқларининг тез ачиши ва яроқсиз ҳолга келишини инобатга олиш зарур.

Ёш куркалар ўтларга бой яйловда боқилганда уларни қўшимча равишда дон аралашмаси билан кунига 2 маҳал – эрталаб ва кечқурун боқиш мумкин. Куркаларни боқишда ҳосили йиғиштириб олинган майдонлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Озуқага қўшиладиган донлар куркаларнинг 20 кунлик ёшигача майдалаб ва элакдан ўтқазиб бериш тавсия этилади.

Куркалар товуқлардан фарқли ўлароқ озуқага талабчан ва баданига тез ёғ йиғиш хусусиятига эга. Уларни хилма-хил ва сифатли емлар билан озиқлантириш талаб этилади. Интенсив ўсиш даврида уларга оқсил ва дармондорилар кўпроқ керак бўлади. Куркаларнинг асосий озуқа таркибини ўтлар ташкил этиши сабабли товуқларга қараганда улар кўпроқ яйловларда озиқланишга мослашган. Яйловларда боқиш вақтида куркалар бир кунда 400 г кўк ўтни чўқиб ейди.

Вояга етган куркалар учун рацион намунаси (фоизда)

№	Рацион таркиби	Миқдори (%)
1	Маккажўхори ва буғдой дони	65,8
2	Кунгабоқар шроти	13
3	Озуқабоп хамиртуруш	4
4	Балиқ уни	3
5	Ўт уни	5
6	Суяк уни	1
7	Бўр	3
8	Чиғаноқ, озуқабоп оҳак	3,7
9	Ош тузи	0,5
10	Премикс П 1-1	1

100 г омухта емдаги энергия алмашинуви: ккал кДж	280,4 1170
Хом протеин	16
Хом ёғ	3,2
Хом клетчатка	4,7
Кальций	2,8
Умумий фосфор	0,7
Лизин	0,66
Метионин	0,51

Ўрта вазн туридаги курка макиёнларига бир кунда мувозанатлаштирилган озуқа меъёри 260 г, оғир вазнли тури учун 280 г ва курка хўрозларига 510-560 г ни ташкил этади.

Вояга етган куркалар учун омухта озуқа тури билан озиқлантириш рацион намунаси (1 бошга граммда)

№	Рацион таркиби	Миқдори (г/бош)
1	Маккажўхори ва буғдой дони	145
2	Кунгабоқар шроти	28,6
3	Озуқабоп хамиртуруш	11
4	Балиқ уни	7,7
5	Гўшт-суяк уни	10,6
6	Бўр, чиғаноқ	15,8
7	Озуқабоп ҳайвон ёғи	1,1
8	Ош тузи	0,5
9	Премикс П 1-1	2,2
10	Қайнатилган картошка	120
11	Маккажўхори силоси	50

100 г. омухта емдаги энергия алмашинуви: ккал кДж	725,3 3040
Хом протеин	41,2
Хом ёғ	8,56
Хом клетчатка	11,2
Кальций	7,27
Умумий фосфор	1,74
Натрий	0,8
Лизин	1,74
Метионин + цистин	1,3

Озиқлантириш фронти вояга етган куркалар учун қуруқ турдаги озиқлантиришда 8 см, омухта озуқа турида 20 см, сув ичиш фронти 4 см бўлиши керак.

Сув билан таъминлаш

Тухумдан очиб чиққан курка жўжаларига ем беришдан олдин пипетка ёрдамида махсус тайёрланган сут эритмаси берилади.

Сут эритмасининг таркиби қуйидагича бўлади:

1. Сут – 1 стакан.
2. Шакар – 2 чой қошиқда.
3. Поливитамин – 6 дона таблеткаси.
4. Пенициллин ёки биомицин – 1 та флакон.

Ёзда беда, қичитқиўт ва сабзи шарбатлари тенг равишда қўшиб ичирилади. Сув биринчи кунлари вакуум сувдонларда, 10-15 кундан бошлаб ёғоч, тунука ёки пластмасса идишларда берилади. 4-5-кунлари курка жўжаларининг кўриш ва сезиш органлари яхши ривожланмаганлиги учун сувдонлар ва емдонлар хонанинг яхши кўринадиган ёруғ жойларига

жойлаштирилади. Организмда сув танқислиги курка жўжаларининг мускул, ошқозони кутикуласининг чириши ва ўзгаришига олиб келади. Натижада, курка жўжаси нобуд бўлади. Шу даврда озуқа истеъмол қилиш оч қолгандан ҳам хавфли ҳисобланади. Куркаларга ёмғир ва кўлмак сувларни ичириш мумкин эмас, улар юқумли касалликлар қўзғатувчилари билан зарарланишлари мумкин. Ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш учун ҳар 7-10 кунда бир марта сувга марганцовка қўшиб, оч қизил рангли қилиб берилади. Сувнинг ҳарорати хона ҳарорати билан бир хил бўлиши, бир кунда бир бош куркага 1,5 литр сув сарфланиши инобатга олиниши лозим.

Кўкатлар бериш

Куркаларга кўкатлар беришдан аввал кўкатлар (беда, қичитқиўт, горох, карам барги, ғозпанжа, кунгабоқар, лавлаги барги, сабзи, турп, редиска, қоқиўт, исмалоқ) майдалаб чопилади ёки гўштмайдалагичдан ўтказилади.

Кўк пиёз – жуда фойдали ўсимлик бўлиб, ичак инфекцион касалликлари қўзғатувчиларидан организмни ҳимоя қилиш хусусиятларига эга, айниқса, уни биринчи кунлари бериш катта фойда беради. Кўк пиёз эрталаб ва кундузи берилади, кечаси берилганда курка жўжалари безовталанади ва чанқоқлик бошланади.

Рационга 12-15 кундан бошлаб балиқ ёки гўшт-суяк уни, балиқ қиймаси гўшт чиқиндалари (ҳаммасининг ўрнини творог босиши мумкин) қўшиш мумкин. Рационга яна парлаб ёки қайнатиб пиширилган картошка ҳам қўшилади. Картошкани қайнатишдан олдин кўк ўсимталари кесиб ташланади, чунки кўк ўсимталар таркибидаги соланин моддаси заҳарли ҳисобланиб, қайнатма сувини емга қўшиб берганда паррандани заҳарлаши мумкин. Сабзини майдалаб

курка жўжаларининг биринчи кунидан бошлаб бериш ва уни аста-секинлик билан 50-100 граммгача кўпайтириб бориш мумкин. Агар сабзи ва картошка йўқ бўлса, уларнинг ўрнига кўк ўтлар бериш тавсия этилади. Бундан ташқари, яна олма, нок қолдиқлари, сиқма қолдиқлари, озуқабоп лавлагиларни ҳам бериш мумкин. Горох, дуккаклилар оиласига мансуб ўсимликлар донларини куркаларга беришдан олдин улар сувга ивитиб қўйилади ва паст оловда энг кам миқдордаги сувда қайнатилади. 2–3 ҳафтадан бошлаб ёш куркаларнинг рационига сувда ивитиб нон хамиртуруши, кунжара ва шротлар бериш тавсия этилади. Нам ем қоришмалари ҳар куни 2-3 маҳал 30-40 дақиқа ичида еб тугатадиган миқдорда қилиб берилади. Ҳар бир ем берилгандан кейин емдонлар ачиб моғорлаб қолмаслиги учун яхшилаб ювилади.

БЎР, ОЗУҚАБОП ОҲАК (ИЗВЕСТНЯК), ЧИҒАНОҚ ВА МАЙДА ТОШ

Ёш куркаларни 1,5-2 ойлигидан В дармондорисига бой бўлган ўстирилган дон билан боқиш жуда фойдалидир. Бўр, чиғаноқ ва майда тошлар доимо емдонларда бўлиши лозим.

Т/р	Куркалар ёши (ҳафта)	Тош ўлчами (мм)
1	1-2	2-3
2	3-7	4-5
3	8-12	5-7
4	12-13 ва ундан юқори	10 гача

Курка жўжаларига озуқаларни қуруқ ҳолда беришда 5 кунлигидан бошлаб ҳафтада 2 марта, умумий рационнинг 1-3 фоиз миқдорида майда тошларни омухта емга қўшиб

беришга аҳамият қаратиш зарур. Рационга майда тошларни қўшиб бериш натижасида ёш куркалар бир-бирларининг патларини чўқиб юлиши ва тўшамани ейишидан сақланади ҳамда ошқозон-ичак йўлларида тиқинлар пайдо бўлишининг олдини олади.

КУРКА КАСАЛЛИКЛАРИ

Курка касалликлари шартли равишда 4 гуруҳга бўлинади. Улар қуйидагилардир:

1. Қўзғатувчиси вирус бўлган касалликлар: НЕ (ичакдан қон кетиши, яллиғланиши), ND (ўлим ҳолати кам содир бўлади), TRT (юқумли томоқ-бурун шамоллаши).

2. Қўзғатувчиси бактерия бўлган касалликлар: колибактериоз, орнитобактериал ринотрахеит, псевдомоноз, пастереллёз, стафилакоккоз токсинларидан озуқа орқали заҳарланиш, микоплазма галлисептикум.

3. Қўзғатувчиси паразитлар бўлган касалликлар: кокцидиоз, гистомоз.

4. Технологик касалликлар: очликдан ўлиш, рахит, катта берцова суяги дисхондроплазияси, оёқ таги шамоллаши, аорта ёрилиши, буйрак олди қон кетиш синдроми.

Куркаларни эмлаш бўйича тавсиялар:

- 1 (7) кун – *инфекцион ринотрахеитга қарши эмлаш;*
- 1-3 кун – *Биостартер + Осмозан аниси;*
- 3 кун – *кокцидиозга қарши – Иммукокс;*
- 1-7 кун – *Пребиос 600;*
- 8-13 кун – D_3 *+ Кальций;*
- 14 кун – *“Ньюкасл” касаллигига қарши эмлаш шт.* B_1*;*
- 16-24 кун – *Хербивит 12 соат + Эселен 12 соат;*
- 18-21 кун – *инфекцион ринотрахеитга қайта эмлаш (ревакцинация);*
- 25-28 кун – *геморрагик энтеритга қарши – HE VAC эмлаш;*
- 26-33 кун – *Биотин + Цинк;*
- 35 кун – *“Ньюкасл” касаллигига қарши қайта эмлаш шт. Ла сота;*
- 5, 8, 11-ҳафталар – D_3 *+ Кальций беришни қайтариш;*
- сўйишга 4 кун қолганда – *Осмозан берилади;*
- Респиратор касалликларида *Минтамикс* берилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кочиш И. И. Птицеводство. М.: Колос, 2001.

2. Лабойко Ю. Куркаларни парваришлаш бўйича тавсиялар. «Ўзбекистон паррандачилиги» илмий оммабоп, ахборот-маърифий журнал. №01(06)-2016

3. Туркия Республикаси “Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги” ҳамда “Denizbank” ҳамкорлигида тайёрланган “100 та китобдан” иборат тўплами.

4. Туркия Республикаси Озиқ-овқат, Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик вазирлиги Таълим, нашриёт ва матбуот бошқармаси. Ғоз ва курка боқиш (Ғозчилик ва куркачилик). 2020.

Интернет сайтлар

5. https://svoya-ptica.com/
6. https://eco-ferma24.ru/

46.8
К 94

Куркачилик [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-
Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 48 б.

ISBN 978-9943-7173-9-8

УЎК 636.592
КБК 46.8

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
“Агробанк” АТБ

100 китоб тўплами

КУРКАЧИЛИК

83-китоб

Нашриёт уйи “Тасвир”
Тошкент – 2021

Таржимонлар:
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гуруҳи

Муҳаррир-мусаҳҳиҳ:
М. Ўроқов

Компьютерда тайёрловчилар:
Б.Т. Нишонбоев, К.Б. Баҳриддинов

Дизайнер:
Ш.М. Одилов

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишга 16.04.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 830 нусха. Буюртма рақами: 1112

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1А.